

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Давлат ва хусусий секторда маъмурий қўллаб-қувватлаш

соҳаси бўйича

Малакалар

2-модул: Хужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва
уларни тарқатиш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96431 6

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
2-модул: Ҳужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	15
Дарс режаси	37

Кириш

Ушбу ресурс ўқув-услубий материали Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларида маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс ўқув-услубий материали сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу ўқув-услубий материал сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, ўқув-услубий материал сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ўқув-услубий материал сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари

Ушбу ресурс ўқув-услубий материалидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур ўқув-услубий материалдаги ўқитиш бўйича қўлланма сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олинishi лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

2-модул: Ҳужжатларни тайёрлаш, устидда ишлаш ва уларни тарқатиш

Ўқув қўлланма

Мазкур модулнинг мақсади бир қатор ижодий, қизиқарли ва касбга оид иш ҳужжатларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва тарқатиш бўйича ўқувчиларнинг кўникмаларини ривожлантириш ҳисобланади.

Давлат ёки хусусий сектордаги маъмурий фаолият турли мақсадлар ва аудиториялар учун турли иш ҳужжатларини тайёрлаш, тузиш ва тарқатиш бўйича кўникмаларни талаб этади. Ушбу модул турли инсонларнинг эҳтиёжларини ҳамда ҳуқуқий ва ташкилий талабларни қондирадиган иш ҳужжатларини тузишлари учун уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур модулнинг мавзуси ўқувчилар учун янги бўлиши мумкинлиги сабаб, уларнинг иш ҳужжатларини тайёрлаш, тузиш ва тарқатиш тўғрисида қандайдир аввалги билимлари мавжуд бўлиши кўзда тутилмайди. Ўқувчи бизнес тўғрисидаги билимни ўзларининг истеъмолчи, мижоз, балки корхона ходими сифатидаги тажрибалари орқали оладилар.

Модул билан танишиш

Мунозаравий гуруҳлар фойдали ибтидо бўлиши мумкин, бироқ ўқитувчилар қандайдир расмий ҳисса ҳам талаб этилиши мумкинлигини билишлари лозим. Балки ушбу модулни ўқувчилар тегишли саволлар бериш орқали иш ҳужжатларини ўрганишлари мумкин бўлган маҳаллий корхонага ташриф буюришлари билан боғлиқ бошқа модуллар билан боғлаш фойдали бўлиши мумкин эди. Ўқитувчилар ўқувчиларга иш ҳужжатларининг мақсадларига ва иш шароитларининг тегишли диапазонларига мос келадиган саволларни танлаб олишларига ёрдам беришлари лозим.

Ишга оид мулоқотларнинг ёзма кўникмаларини ривожлантириш иш юритишда фойдаланилиши мумкин бўлган ўзаро боғланган қатор ҳужжатларнинг расман жорий этилишини ва улардан ҳар бирининг қандай расмийлаштирилишини тушунишни талаб этади. Ҳужжатларнинг намуналари ўқувчилар томонидан турли ҳужжатларнинг форматини тасвирланиши ва айнан бир ҳужжат (масалан, буюртма-наряд, ҳисоб-фактура) фарқ қилиши, лекин барибир ўша-ўша функцияни бажариши учун муҳим аҳамиятга эга.

Самарали ёзма алоқа бизнесни муваффақиятли ташкил этилишининг барча жиҳатларига таъсир этади. Ҳужжатлар тўпламини аниқ ва яхши тақдим этиш зарур ҳисобланади. Ўқувчилар қониқарсиз ёки ноаниқ ёзма алоқанинг бизнес учун оқибатларини тушунишлари лозим. Ишга оид ҳужжатлар тўпламининг ҳар хил турларига мисоллар ушбу тушунча учун яхши қўзғалиш нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ёзма ҳужжатлар тўплами ишга оид хат ёки телефон хабарини етказувчи ёзув, буюртмани унинг жойлаштирилишидан то якуний ҳисоб-фактурагача ўз ичига оладиган ҳужжатлар тўплами, каталог, варақа ёки буклет, компаниянинг батафсил ҳисоботини ёки молиявий режалаштириш воситаларини ўз ичига оладиган факслар ва электрон почта бўлиши мумкин. Ҳар бир ҳужжат ўзининг шахсий мақсади ва аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг фарқини тушуниш ўқувчиларга турли ҳужжатларни ўрганиш ва ёмон тақдим этишнинг, нотўғри маълумот ёки имло хатоларнинг оқибатларини муҳокама қилиш имкониятини бериши мумкин.

Ўқувчиларни ҳужжатларни тайёрлашга нисбатан локал, миллий ва халқаро талабларни ўрганишга, шунингдек ҳужжатлар тайёрланадиган, чиқариладиган ва тарқатиладиган шароитларни ва мақсадларни ўрганишга унданг. Ўқувчилар зарур контентни етказишда бизнес-ҳужжатларнинг самарадорлигига кўмаклашадиган ва ташкилотнинг профессионал имиджини тақдим этадиган турли бизнес-ҳужжатларнинг асосий ўзига хосликларини ва хусусиятларини кўриб чиқишлари лозим. Ўқувчилар иш ҳужжатларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва тарқатишга таъсир этадиган баъзи самарали алоқа ва ташкилий масалалар ҳамда ҳуқуқий чекловларнинг муҳимлигини ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Ўқувчиларга ўзларининг ушбу модулни билишлари ва тушунишларини кўрсатиш имкониятига эга бўлишлари учун турли мақсадларга мўлжалланган турли иш ҳужжатларини ишлаб чиқишда ўтказиш кўникмаларини ривожлантиришлари учун кўплаб имкониятлар тақдим этилиши лозим.

Мазкур модулда маълумот тақдим этишнинг турли усулларида фойдаланиш мумкин, масалан:

- Муҳокама – бизнес-ҳужжатлар ва муайян талабларни қондириш учун улардан фойдаланиш ўртасидаги фарқ тўғрисида синфдаги ва гуруҳлардаги баҳс-мунозаралар
- Самарали бизнес-ҳужжатларнинг хусусиятларини қамраб олувчи якка ҳолдаги ва гуруҳли тақдимотлар
- Тузилмани, макет, услуб, матнли бўлмаган элементларнинг мазмуни ва улардан фойдаланишни тасвирловчи бизнес-ҳужжатларнинг мисоллари
- ОАВ ҳамда журналлардаги махфийлик ва ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликка тааллуқли мақолалар.

Гуруҳлардаги иш материални етказишнинг ўринли шакли ҳисобланади, бироқ баҳо қўйишдан аввал сиз ҳар бир ўқувчи мустақил ишлаётганига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

Ходимларни жалб этиш

Ўқитувчиларга самарали ёзма алоқанинг аҳамиятини муҳокама қилиш учун давлат ёки хусусий сектордан ва маҳаллий ташкилотлардан спикерларни таклиф этиш тавсия этилади. Агар маҳаллий давлат органлари билан алоқа яхши йўлга қўйилган бўлса, улар ўзларининг ишларида фойдаланиладиган ҳужжатларнинг махфий бўлмаган намуналарини тақдим этишлари ҳам мумкин.

Марказлар маҳаллий корхоналар ва давлат бошқаруви органлари билан алоқаларни ривожлантиришлари лозим, чунки улар кўпинча иш жойларини, ташрифларни, корхоналар ва маҳаллий иш шароитлари ҳақидаги маълумотни ҳамда таклиф этиладиган спикерларни тақдим этишга тайёр бўладилар.

Ўқитиш мақсадларига эришиш

А мақсадни ўрганиш учун ўқувчиларнинг компаниялар юқори сифатли ҳужжатлар тўпламидан фойдаланган ҳолда, ташкилотнинг ичидаги ходимлар ва ташкилотдан ташқарида бўлган манфаатдор томонлар билан қандай ўзаро алоқада бўлишларини тушунишлари жуда муҳим ҳисобланади. Ўқувчилардан кичик гуруҳларда иш ҳужжатларидан фойдаланиб иш тажрибасига эга бўлишлари мумкин бўлган ёки давлат бошқаруви органидан, банкдан ёки чакана савдо дўкони каби хусусий сектор ташкилотларидан олишлари мумкин бўлган ҳужжатлар тўплами турларини муҳокама қилишларини сўранг.

Ўқувчиларга мазкур ҳужжатларнинг мақсадига ва ҳужжатларни ушбу мақсадлар учун яроқли қиладиган ўзига хосликларига тааллуқли бўлган маълумотлар алмашинуви имкониятини тақдим этиш орқали мавзунини кенгайтиринг. Ўқувчиларни уларнинг форматини, макетини, мазмунини, профессионаллиги ва аниқлигини, шунингдек кўзда тутилган хабарни ҳисобга олишга чақиринг. Одатда давлат ёки хусусий секторда фойдаланиладиган иш ҳужжатларининг намуналарини тарқатинг ва масалан, кўрсатма бериш, хабардор қилиш, тасдиқлаш ёки рағбатлантириш учун мазкур ҳужжатларнинг мақсадларини муҳокама қилишга унданг.

Ички ва ташқи аудиторияларнинг алоқага оид эҳтиёжларини, шунингдек улар учун иш ҳужжатларини тайёрлашда ҳисобга олиш зарур бўлган омилларни муҳокама қилиш учун давлат ва хусусий сектор ташкилотларидан спикерлар таклиф этилиши мумкин. Спикер келгунига қадар ўқувчиларга турли аудиторияларнинг алоқага бўлган эҳтиёжлари ва ушбу эҳтиёжларни қондириш учун алоқани қандай ривожлантириш мумкинлиги тўғрисидаги тегишли саволларни тайёрлаш вазифаси қўйилиши мумкин.

Ўқувчиларнинг иш ҳужжатларини тайёрлашда ташкилий ва ҳуқуқий талабларга амал қилишнинг аҳамиятини тушунишлари жуда муҳим. Таклиф этилган спикерлар иш ҳужжатларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш, сақлаш ва тарқатишга нисбатан қандай талаблар мавжудлиги ҳақида қимматли тушунчаларни беришлари мумкин.

В ва С мақсадларининг биргаликда тақдим этилиши тавсия этилади, чунки улар ҳужжатларни тайёрлаш, ишлаб чиқиш, сақлаш ва тарқатиш жараёнини кузатади.

Ўқитувчилар ташкилотдаги матнли ва тақдим этиладиган дастурий таъминотдан фойдаланишнинг ҳар хил турларининг ҳамда яхши тузилмалаштирилган, форматланган ва профессионал тарзда тақдим этилган иш ҳужжатларини яратиш учун уларнинг имкониятлари, воситалари ва усулларининг тақдимотини ўтказиши.

Ҳужжатлар тўпламининг ҳар хил турларини, стандартлар ва конвенцияларнинг одатий шаклларини, шунингдек мақсад, мазмун ва аудитория каби конструктив жиҳатларни муҳокама қилиш, ҳужжатлар ишлаб чиқишни тегишли тарзда режалаштириш ва тайёрлашнинг муҳимлигини таъкидлаш.

«PowerPoint® тўфайли ўлим» дан сақланиш учун керакли тарздаги тақдимотдан фойдаланишга, жумладан аудиторияни жалб этиш бўйича қўшимча ресурс ва тадбирларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўқувчиларга ҳужжатларни профессионал даражада тузилмалаштириш ва форматлашни амалда қўллаш, жумладан фирмага оид услубдан, андозалардан, майдонлардан, абзацлардан, жадваллардан, тасвирларни қўйишдан ва аниқликни текшириш учун автоматлашган воситалардан фойдаланиш имкониятлари тақдим этилиши лозим.

Ўқувчилар учун модулнинг мазмунида батафсил ифодаланган дастурий восита ва усуллардан фойдаланишда ўз кўникмаларини намойиш этиш ҳамда амалда қўллаш ва ривожлантириш фойдали бўлади.

Ўқувчилар иш юритиш талабларига жавоб берадиган профессионал ҳужжатлар тайёрлаш заруриятини таъкидлаш учун ҳужжатларни яроқлиликка текширишнинг муҳимлигини ва буни бажаришнинг турли усулларини ўрганишлари ва муҳокама қилишлари лозим.

Турли ташкилотлар сақлашлари мумкин бўлган ёки олишлари лозим бўлган маълумотнинг турлари ҳақидаги, ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот ўқувчиларга ушбу мавзунинг кўлами тўғрисида таассурот олиш ва ўз билимларини, иш тажрибасини эҳтимолий имкониятлар шароитида қўллаш имконини беради. Ўқувчилар маълумотларни ҳимоялаш, ахборотга оид хавфсизлик ва махфийликка тааллуқли жиҳатларни тушунишлари ҳамда ушбу омилларни маълумотни бошқаришнинг одатий вазифаларига нисбатан қандай қўллашни билишлари лозим.

Баҳолаш бўйича йўриқнома

Мазкур модул бир қатор мустақил топшириқлар ёрдамида баҳоланади.

Ҳар бир топшириқ камида битта ўқитиш мақсадини қамраб олиши лозим бўлиб, ўқитиш мақсадининг биттадан мезон бўйича топшириқлар ва қуйи топшириқларга бўлинмасдан, бир бутунча баҳоланиши муҳим ҳисобланади.

Барча ўқувчилар бирдай тенглаштирилиши мумкин бўлган ишларининг якка ҳолдаги далилларини мустақил ишлаб чиқишлари лозим. Далилларнинг асосий манбалари бўлиб катта эҳтимол билан якка ҳолдаги тадқиқотлар билан бирга келувчи якка ҳолдаги ёзма ҳисобот, шунингдек баҳоловчилар/ҳамкасбларнинг ҳисоботлари, кузатиш ёзувлари ва қайд этишнинг индивидуал журнали билан мустаҳкамланган, ўқувчининг жамоа фаолиятидаги иштироки тўғрисидаги батафсил маълумотни ўз ичига олувчи портфолио хизмат қилиши мумкин.

ВТЕС баҳоловчилари кузатиш ёзувларини тўлдиришлари мумкин. Ўқувчиларнинг иш жойи бўйича ҳамкасблари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш куни учун далилларни тўлдиришлари мумкин. Кузатиш ёзувларининг ўзича далилларнинг етарли даражадаги манбаси ҳисобланмаслигига эътибор қаратинг – ўқувчилар томонидан олинган бошланғич маълумотлар ҳам уларни тасдиқлаши лозим бўлади.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

2-модул: Хужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш

Кириш

Ушбу модулга киришда секторга оид кўникмалар, етказилувчи кўникмалар, гуруҳнинг билимлари ва ҳулқи, шунингдек гуруҳнинг ютуқлари қандай қилиб маъмурий лавозимдаги ўсишга олиб келиши баён этилган бўлиши лозим. Мазкур модулнинг иши ўқувчиларга модулнинг мазмунида кўрсатилган, ҳар бир бизнес-технологиялар ва амалий дастурий таъминотга йўналтирилган тегишли ўқитиш имкониятларини тақдим этишга мўлжалланган бўлиши лозим.

Баҳолашдан ўтишдан олдин ўқувчилар ўзларининг фаолиятларини баҳолаш учун зарур бўлган кўникмалар, билим ва ҳулқ-атворни ишлаб чиқишлари керак бўлади.

Ўқувчиларга мазкур тизимлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган билимларни ва амалий кўникмаларни ривожлантириш имкониятини олишларини кафолатлаш мақсадида бизнес-технологиялар ва амалий дастурий таъминотга асосланган фаолиятни ўқитиш ва ривожлантириш учун етарлича вақт ажратиш зарур.

Реал машқлар ўқувчиларга кўникмалар ва технологиянинг ҳар бир соҳасидаги иш юритишларини амалда намойиш этиш, шунингдек топшириқларга нисбатан қўлланиладиган тегишли восита ва усулларни тушунишни ривожлантириш имконини беради. Шунингдек, ўқувчиларга бизнес-ҳужжатларни тайёрлаш учун бизнес-технологиялардан мунтазам фойдаланадиган коллеж ходимлари ишини кузатиш имконияти ҳам тақдим этилади.

А ўқитиш мақсади – Иш ҳужжатларини тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий талаблар

- Ўқувчилардан гуруҳларда муҳокама қилишга тайёргарлик кўриш доирасида давлат ва хусусий секторнинг маъмурий ташкилотларида фойдаланиладиган иш ҳужжатларининг ҳар хил турларини мустақил тадқиқ қилишни сўранг.

2-модул: Ҳужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш

- Ўқувчиларга бир қатор турли иш ҳужжатларини тақдим этинг ва улардан ҳар бир ҳужжатнинг ўзига хосликлари ҳамда хусусиятларини, шунингдек уларнинг мақсад ва шартларини ўрганиш учун жуфтликларда ишлашларини сўранг. Ҳужжатларнинг ахборот, кўрсатмалар бериши, тасдиқлаши ёки илгари суриши мумкинлиги тўғрисида ўқувчилар гуруҳларга хабар берадилар.
- Ўқувчиларга бизнес-ҳужжатларни тўғри ташкилий контекстларга мос келишини текширишга мўлжалланган тестни беринг.
- Ўқувчилар турли бизнес-контекстлар ва нима учун танлаб олинган усуллар мос келадиган ҳисобланишини аниқлаш учун алоқанинг тегишли ёзма усулларида фойдаланиш тўғрисидаги муҳокамаларда иштирок этишлари мумкин.
- Алоқа усуллари ва ички ҳамда ташқи манфаатдор томонларга бизнес-ҳужжатларни тайёрлашга бўлган талаблар учун, шунингдек ташкилотнинг турли бизнес-ҳужжатларнинг сифати ва стандартларига бўлган истак ва талабларини муҳокама қилиш учун давлат ва хусусий маъмурий ташкилотлардан спикерларни таклиф этинг.
- Ўқувчиларни ҳужжатларга эга бўлган аудиториядан келиб чиқиб мулоқот услубларидаги фарқни ўрганиш учун кичик гуруҳларда ишлашларини сўранг.
- Ўқувчилардан ишга оид ҳужжатларни тайёрлаш, ишлаб чиқиш, сақлаш ва тарқатишдаги махфийлик ва ахборот хавфсизлигига тааллуқли бўлган қонунчиликни мустақил тадқиқ қилишларини сўранг. Ўқувчиларга мазкур қонунчиликнинг асосий хусусиятларини, иш жойида қонунга амал қилиш борасидаги шахсий масъулиятни ва нима учун бу қонунга амал қилиш кераклигини ўрганишни тавсия этиш лозим.

В ўқитиш мақсади – Мақсадли фойдаланишга мўлжалланган ички ва ташқи ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш

Турли ташкилот ҳужжатларини тайёрлаш, талабларни мувофиқлаштириш ва таомилларни бажариш учун ўқувчиларда кўплаб имкониятлар бўлиши муҳим ҳисобланади.

- Ҳужжатларни тайёрлаш мавзусини тақдим этинг ва ўқувчилардан ҳужжатларга нисбатан талабларни мувофиқлаштириш борасидаги ўз нуқтаи назарларини муҳокама қилишларини сўранг. Ўқувчиларга ўз муҳокамаларини асослашлари керак бўлган сценарий тақдим этилиши мумкин.

2-модул: Хужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш

- Бизнес-хужжатларни режалаштириш, жумладан талабларни мувофиқлаштириш, аудиторияни тушуниш ва хужжатларни чиқаришдан олдинги зарурий тайёргарлик тадбирлари бўйича бахс-мунозара олиб боринг.
- Хужжатларнинг ўзига хосликлари ва хусусиятларини, жумладан макетларни ва ушбу хужжатларни фойдаланиш учун нима самарали ва яроқли қилиши мумкинлигини аниқлаш учун матнли бўлмаган элементлардан фойдаланишни таҳлил қилиш учун ўқувчиларга бир қатор турли иш хужжатларини беринг.
- Ўқувчилардан дастурий восита ва усулларни тақдим этиш ҳамда хужжатларда ва тақдимотларда форматлаш, таҳрирлаш ва маълумот тақдим этиш учун уларни қўллаш усулларини намойиш этувчи дастурий таъминот бўйича экспертларнинг мастер-классларида қатнашишларини сўранг.
- Турли ташкилий шароитларда бир қатор хужжатларни ишлаб чиқиш учун турли восита ва усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларга ишга оид алоқа кўникмаларини ривожлантириш имкониятини бериш учун мўлжалланган сценарийларга, масалан ишга оид хат ёзиш ёки канцелярия товарларини буюртма қилишларга асосланган моделлашган топшириқларни беринг.
- Ўқувчилардан хужжатларни босиб чиқариш бўйича семинарда қатнашишни ёки босиб чиқариш ускунасидан фойдаланувчи ходимни кузатишни сўранг. Кейин улар саволлар беришлари ва ўз хужжатларини босиб чиқаришни амалда синаб кўришлари мумкин бўлади.

С ўқитиш мақсади – Иш хужжатларини сақлаб қўйиш, асраш ва тарқатиш тартиб-таомилларини амалга ошириш

Ўқувчиларда ишга оид хужжатларни текшириш, сақлаш ва тарқатиш учун кўплаб имкониятлар бўлиши муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар мазкур таомилларни В ўқитиш мақсадида ишлаб чиқилган хужжатларга нисбатан қўллашлари лозим бўлади.

- Ишни ўқувчиларга мазмунида аниқлик билан боғлиқ муаммо бўлган, масалан имло ва грамматик хатолар ёки макети, масалан ўқилиши ва тақдим этилиши билан боғлиқ муаммо бўлган қатор хужжатларни тақдим этишдан бошланг, ушбу муаммоларни аниқлаш учун ўқувчиларга жуфтликларда ишлашни таклиф этинг.
- Ўқувчиларга муаммоларни ҳал этиш усулларини ўйлаб топиш имкониятини тақдим этиш орқали мазкур фаолиятнинг қўламини кенгайтиринг ва синфни иш хужжатларини текшириш учун қўлланилиши мумкин бўлган, қўлда бажариладиган ва электрон восита ва усуллар билан таништиринг.

2-модул: Ҳужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш

- Ўқувчилардан ҳужжатларни текширишнинг қўлда бажариладиган ва электрон восита ва усуллари намоёиш этиладиган семинарда қатнашишларини сўранг. Бу аниқ ва фойдаланиш учун яроқли ҳужжатларни тайёрлашнинг аҳамиятини таъкидлаган ҳолда уларнинг кўникмаларининг ривожланишига кўмаклашади.
- Иш ҳужжатларини сақлашга нисбатан ташкилий талабларни, жумладан махфийлик ва ахборот хавфсизлигига нисбатан юридик талабларни муҳокама қилиш учун давлат ёки хусусий сектор ташкилотларидан спикерларни таклиф этинг.
- Ўқувчиларга ташкилотнинг талабларига мос келадиган ҳужжатларни самарали топишда фойдаланувчиларга ёрдам берадиган, файлларнинг ва мантиқий файл тузилмаларининг мос келувчи номларини яратиш учун сценарий тақдим этинг.
- Кичикроқ гуруҳлар ҳужжатларни сақлашнинг жисмоний ва рақамли тизимларининг хусусиятларини ўрганишлари ва турли аудиториялар учун турли шароитларда фойдаланиладиган турли бизнес-ҳужжатларини сақлаш учун яроқлилиги тўғрисида гуруҳга тақриз беришлари мумкин.
- Ўқувчиларга сценарийлар ва улар билан боғлиқ тарқатиш зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этинг ва ташкилий баённома ва талабларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолда, улардан тегишли каналлар бўйича тарқатиш мақсадида ҳужжатларни тайёрлаш учун кичик гуруҳларда иш олиб боришларини сўранг.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакага ҳаволалар

Ресурслар

Китоблар

Barrass R, *Writing at Work: A Guide to Better Writing in Administration, Business and Management* Routledge 2002 ISBN 978-0415267533

Bullard, R, *Business Writing Tips: For Easy and Effective Results, Perfect text* 2015 ISBN 978-0993189807

Canavor, N, *Business Writing for Dummies* 2017, John Wiley & Sons; 2nd edition 2017 ISBN 978-1119369004

Taylor, S, *Model Business Letters, Emails and Other Business Documents*, Financial Times/Prentice Hall; 7 edition 2012 ISBN 978-0273751939

Wright, H, *A Quick Guide to Writing Better Emails*, CreateSpace Independent Publishing Platform 2015 ISBN 978-1517556525

Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб/коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	Хужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатиш
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	28
Дарслар давомийлиги	1-3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш - маъмурий иш хужжатлари	Ўқитувчи раҳбарлигида, шунингдек ўқувчилар учун жуфтликдаги ва гуруҳли топшириқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти: дарсни шарҳлаб модулни тақдим этинг. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: фикр алмашиш ҳамда жорий тушунчанинг ва иш хужжатлари тажрибасининг муҳокамаси. • Гуруҳлардаги муҳокама: гуруҳ билан қайта алоқа ва муҳокама учун жуфтликлар. • Ўқитувчи тақдимоти: синфдаги муҳокама натижаларини ва ўқитишнинг асосий тарафларини ёзинг. 	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 1 ва 2. Шаблон 1.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини юритишни бошлайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	
2	<p>Ёзма иш ҳужжатларининг вазифаси</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А1)</p>	<p>Ўқитувчи раҳбарлигида, шунингдек ўқувчилар учун жуфтликдаги, гуруҳли ва индивидуал топшириқлар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: муайян департамент ва вазирликларда фойдаланиладиган ҳар хил турдаги ҳужжатларнинг интернет-тадқиқоти. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар ҳужжатларнинг хусусиятларини ва мақсадларини ўрганадилар. • Гуруҳлардаги муҳокама: гуруҳ билан қайта алоқа ва муҳокама учун жуфтликлар. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: турли иш ҳужжатларининг мақсадларини тасдиқлаш учун. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар ҳар бир ҳужжатнинг мақсади хабардор қилиш, тасдиқлаш, илгари суриш ва кўрсатма бериш эканига ойдинлик киритишлари лозим. • Гуруҳлардаги муҳокама: гуруҳ билан қайта алоқа ва муҳокама учун жуфтликлар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Тақдимот слайдлари 3.</p> <p>Шакл шаблонлари 1 ва 2.</p> <p>Машқлар учун тарқатма материал 1.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитишнинг асосий тарафларини мустаҳкамлаш. • Уйга вазифаси: давлат ёки хусусий сектордаги иш ҳужжатларининг контекстлари мавзуси бўйича саволлар тайёрлаш. 	
3	Иш ҳужжатларининг контекстлари (Мақсад А: Мавзу А1)	Ўқитувчи раҳбарлиги-даги ТС, шунингдек ўқувчилар учун жуфтликдаги ва гуруҳли топшириқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи ўқувчилардан уй вазифаси сифатида таклиф этилган спикерга саволлар тайёрлашларини сўрайди. • Таклиф этилган спикер: иш ҳужжатларидан фойдаланиш мумкин бўлган турли вазиятлар ва контекстлар ҳақида сўзлаб берувчи давлат ёки хусусий секторнинг вакили. • Гуруҳлардаги муҳокама: таклиф этилган спикер билан саволлар ва жавоблар сессияси. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: турли бизнес-контекстларда тайёрланган ҳужжатларнинг амалий мисолларини ўрганиш. • Гуруҳлардаги муҳокама: гуруҳ билан қайта алоқа ва муҳокама учун жуфтликлар. • Ўқитувчи тақдими: турли бизнес-контекстларда тегишли алоқа усулларида фойдаланишнинг аҳамияти. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. 	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Флипчартлар ва фломастерлар. Тақдимот слайдлари 4. Шаблон 2. Машқлар учун тарқатма материал 1.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Уйга вазифаси: давлат ва хусусий сектордаги манфаатдор томонлар билан мулоқот контекстлари бўйича саволлар тайёрлаш. 	
4	<p>Манфаатдор томонлар билан алоқа</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А1)</p>	<p>Ўқитувчи раҳбарлиги-даги ТС, шунингдек ўқувчилар учун жуфтликдаги, индивидуал ва гуруҳли топшириқлар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ички ва ташқи аудитория эҳтиёжларини қондирувчи ёзма хабарларга бўлган зарурат. • Таклиф этилган спикер: иш ҳужжатларини оладиган ички ва ташқи аудиторияларнинг турларини ва уларга қандай турдаги ҳужжатлар тайёрланишини муҳокама қилиш учун давлат ёки хусусий секторнинг вакили. • Мустақил бажариш учун машқ: таклиф этилган спикер билан саволлар сессияси. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: турли аудиториялар учун ёзувлардаги фарқлар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: ёзма алоқа услубларидаги фарқларни муҳокама қилиш. • Гуруҳлардаги муҳокама: ички ва ташқи аудитория билан қандай алоқа қилишга мисоллар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Тақдимот слайдлари 5.</p> <p>Шаблон 2.</p> <p>Машқлар учун тарқатма материал 1 ва 2.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Уйга вазифаси: «Бизнес-хужжатларни расмийлаштиришга нисбатан ташкилий талаблар» мавзуси бўйича саволлар тайёрлаш. 	
5	Ташкилий талаблар (Мақсад А: Мавзу А2)	Ўқитувчи раҳбарлиги-даги ТС, шунингдек жуфтликдаги, топшириқ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: иш хужжатларини тайёрлашда ташкилий талабларга амал қилиш аҳамиятининг шарҳи. • Таклиф этилган спикер: шаблонлардан фойдаланишни ўз ичига олган ҳолда иш хужжатларига нисбатан истаклар ва талабларни муҳокама қилиш учун давлат ёки хусусий секторнинг вакили. • Гуруҳлардаги муҳокама: амал қилиниши лозим бўлган ташкилий талаблар ва турли баённомалар бўйича саволлар ва жавоблар сессияси. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Уйга вазифаси: хужжатларни ишлаб чиқишга таъсир этадиган ташкилий масалалар бўйича саволлар тайёрлаш. 	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар. Доска ва ручкалар. Флипчартлар ва фломастерлар. Такдимот слайдлари 6. Шакллар шаблонлари 1 ва 2.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	<p>Иш ҳужжатлари ва улар билан боғлиқ масалаларга нисбатан ташкилий талаблар</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А2)</p>	ТС, шунингдек ўқувчилар учун гуруҳли ва мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: 5-дарсни қисқа такрорлаш (ташкилий талаблар). • Таклиф этилган спикер: Ҳужжатларни тайёрлаш, устида ишлаш ва уларни тарқатишга нисбатан истаклар ва талабларни муҳокама қилиш учун давлат ёки хусусий секторнинг вакили. • Гуруҳлардаги муҳокама: ўқувчилар ташкилий талаблар ва улар билан боғлиқ масалаларни қўллашга доир саволларни берадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустақкамлайди. • Уйга вазифаси: ахборот хавфсизлигига доир қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар мавзуси бўйича саволлар тайёрлаш. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Такдимот слайдлари 7.</p> <p>Шакллар шаблонлари 1 ва 2.</p>
7	<p>Ахборот хавфсизлига ва у билан боғлиқ чекловларга тааллуқли қонунчилик</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А3)</p>	Ўқитувчи раҳбарлигидаги ТС, шунингдек ўқувчилар учун гуруҳли ва мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги такдимот: ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тарқатишга таъсир этадиган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар. • Таклиф этилган спикер: ахборот хавфсизлиги ва ҳужжатлар тўпламини юритиш жараёнларига доир қонунчиликни муҳокама қилиш учун давлат ёки хусусий секторнинг вакили. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳлардаги муҳокама: ўқувчилар қонунчиликнинг қўлланилиши ва қонунчиликка амал қилишда улар дуч келадиган муаммолар тўғрисида саволлар берадилар. • Ўқувчиларнинг мустақил тадқиқотлари: ахборот хавфсизлигига доир қонунчиликнинг асосий талаблари. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустақамлайди. • Уйга вазифаси: ахборот хавфсизлигига доир қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар мавзуси бўйича саволлар тайёрлаш. 	Тақдимот слайдлари 8. Шакллар шаблонлари 1 ва 2.
8	Маълумотларни ҳимоялар ва у билан боғлиқ чекловларга доир қонунчилик (Мақсад А: Мавзу АЗ)	ТС, шунингдек ўқувчилар учун гуруҳли ва мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: 7-дарсни қисқа такрорлаш (ахборот хавфсизлиги). • Таклиф этилган спикер: маълумотларни ҳимоялаш ва махфийлиги, шунингдек ҳужжатларни юритиш жараёнларига доир қонунчиликни муҳокама қилиш учун давлат ёки хусусий секторнинг вакили. • Гуруҳлардаги муҳокама: ўқувчилар қонунчиликнинг қўлланилиши ва қонунчиликка амал қилишда улар дуч келадиган муаммолар тўғрисида саволлар берадилар. • Ўқувчиларнинг мустақил тадқиқотлари: маълумотларни ҳимоялаш ва махфийлигига доир қонунчиликнинг асосий талаблари. 	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар. Доска ва ручкалар. Флипчартлар ва фломастерлар. Тақдимот слайди 9. Шакл шаблонлари 1 ва 2.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Уйга вазифаси: ахборот хавфсизлиги меъёрий ҳужжатларга тааллуқли қонунчиликка амал қилишнинг аҳамиятини мустақил тадқиқ қилиш. 	
9	<p>Қонунчиликка амал қилишнинг аҳамияти</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А3)</p>	<p>Ўқитувчи раҳбарлигидаги ТС, шунингдек ўқувчилар учун гуруҳли ва мустақил машқлар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: қонунчиликка амал қилмаган ташкилотлар ва амал қилмасликнинг оқибатлари тўғрисидаги янгилик мақолаларини ўрганиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: қонунчиликка амал қилмаслик оқибатларининг шарҳи. • Гуруҳлардаги муҳокама: қонунчиликка амал қилишнинг ташкилот учун ижобий таъсири. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Уйга вазифаси: А мақсадини ўрганиш учун қайдларнинг қисқача тавсифи. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Тақдимот слайди 10.</p> <p>Шакллар шаблонлари 1 ва 2.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	Баҳолаш учун Иш дафтари 1 ва 2 топшириқлар «Қоидаларга риоя қилинг» (Мақсад А)	ЁА ўқувчилар учун мустақил машқ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Баҳолаш учун Иш дафтари 1 ва 2 топшириқлар «Қоидаларга риоя қилинг» ва баҳолашга нисбатан талаблар шарҳи бўйича қадамба-қадам йўриқнома. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар 1-баҳолашда белгиланган топшириқлар устида ишлайдилар. • Индивидуал тақдимотлар: ўқитувчи ўқувчиларнинг тақдимотларини баҳолайди ва уларнинг ишлари юзасидан тақризларни тақдим этади. • Уйга вазифаси: А мақсадга эришиш учун ўрганилган баҳолаш ва маълумотни ўйлаб кўринг ҳамда саволлар тайёрланг. 	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар и вордом. Ручкалар ва қоғоз. Шакл шаблони 3 ва 4. Баҳоловчи варақ 1.
